МАҲАЛЛА МУТАСАДДИЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН (МАЛАКАВИЙ) ТАЛАБЛАР.

Шакаров Акмал
Маҳалла раиси:
"Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида"ги қонун.

Qabul qilindi: 28.10.2025
Ko'rib chiqildi: 29.10.2025
Tasdiqlandi: 30.10.2025

Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қоида тариқасида, олий маълумотга эга бўлиши, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларида ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, оғир ёхуд ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар, шунингдек суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган, ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари фуқаролар йиғини раиси лавозимига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

Ҳоким ёрдамчиси:
2023 йил 7 январь, 06-51/15-10/10-сон вазирлик хати.

Маълумот:

Бакалавр даражасидаги олий маълумотга эга бўлиши лозим. Тадбиркорлик фаолиятида (таъсисчи ёки мазкур тадбиркорлик фаолиятини бошқарган) юқори натижаларга эришган, интилувчан, қобилияти, соҳада

5 йилдан ортиқ тажрибага эга тадбиркорлар, фаол ёшлар, истисно тариқасида олий маълумотга эга бўлмаган фуқаролар ҳам ишга қабул қилиниши мумкин.

Мутахассислик:

Иқтисодиёт, молия, солиқ, менежмент, банк иши, бухгалтерия, бизнес бошқаруви ва бошқа иқтисодий сохаларида мутахассис бўлиши лозим.

Меҳнат стажи:

Камида 3 йил иш тажрибага эга бўлган, Инвестисиялар, саноат ва савдо, Иқтисодиёт ва молия, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликларида, тижорат банклари, иқтисодий ва инвестисия комплексларига кирувчи бошқа идоралар, уларнинг ҳудудий бўлинмаларида бўлим (шуъба) бошлиғидан паст бўлмаган лавозимда ишлаган раҳбар ходимлар, шунингдек, маҳаллий ҳокимликларда раҳбар бўлиб ишлаган номзодлар қабул қилинади.

Номзодларнинг интилувчанлиги, мақсадга йўналганлиги, қобилияти, тажрибаси кабиларни инобатга олган ҳолда раҳбарлик лавозимида фаолият юритмаётган ходимлар ҳам ишга қабул қилиниши мумкин.

Ёшлар етакчиси:

2024 йил 30 октябрь, 01-10/169-сон агентлик буйруғи

Устувор равишда олий маълумотли, истисно тариқасида ўрта махсус маълумотига эга бўлиши ёки олий таълим ташкилотларининг кечки ва сиртқи таълим шаклида таҳсил олаётган бўлиши;

Мисрософт Оффисе дастури (Ворд, Эхсел, Повер Поинт ва ҳ.к), замонавий ахборот технологияларида ва интернет тармоғида мустақил фойдаланувчи сифатида турли иш дастурлари билан ишлаш бўйича етарли кўникмага эга бўлиши;

35 (ўттиз беш) ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши;

Давлат тилини билиши лозим.

Етакчи лавозимига номзодлами танлашда муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, маҳалла ҳудудида истиқомат қиладиган, ёшлар билан ишлаш тажрибасига эга, ёшларга шахсий фазилати, фидойилиги, садоқати ва ватанпарварлиги билан намуна кўрсатган ҳолда ўз ортидан эргаштира оладиган номзодларга афзалликлар берилади.

Хотин-қизлар фаоли:

2025 йил 4 апрель, 47-сон қўмита буйруғи

Хотин-қизлар фаоли лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қоида тариқасида, олий маълумотга эга бўлиши, оиласи, турмуш-тарзи, хулқ-одобига кўра ижобий тавсифланадиган, хотин-қизлар йўналиши доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан хабардор, соҳага оид меёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни биладиган, маҳалладаги хотин-қизларнинг муаммолари юзасидан ҳокимлик, жамоатчиликка таклифлар киритиш салоҳиятига эга бўлиши,

шунингдек ҳаётий тажриба ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга ҳамда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши керак.

Суд томонидан муомалага лаёқациз деб топилган, судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар, шунингдек суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар Хотин-қизлар фаоли лавозимига номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

Ижтимоий ходим

2025 йил 30 июнь, 211-сон агентлик буйруғи

Маълумот:

Олий (бакалавр) маълумотга эга бўлиши лозим, бундан ижтимоий иш, тиббий-ижтимоий иш (тиббий-ижтимоий ходим (40920102)), ижтимоий муҳофаза (пенсия жамғармаси инспектори, ижтимоий-маиший хизматлар кўрсатиш инспектори) (40410701), давлат-ҳуқуқий фаолият (50420101), юридик хизмат (50420102), суд-ҳуқуқий фаолият (50420103) йўналишлари бўйича ўрта-махсус маълумотга эга номзодлар, мустасно. Бунда: олий (бакалавр) маълумотли шахслар ўрта-махсус маълумотга эга номзодларга нисбатан; ижтимоий иш ва психология йўналишида таълим олган, шунингдек, олий маълумот эга бўлиб халқаро ташкилотлар томонидан ижтимоий иш бўйича ташкил этилган тренинглардан ўтган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами билан ишлаш бўйича амалий тажрибага эга бўлган шахсларга олий (бакалавр) маълумотли номзодларга нисбатан; магистр, фалсафа доктори (ПҳД), фан номзоди, фан доктори (ДСс) илмий даража ёки доцент, профессор илмий унвонига эга шахсларга олий (бакалавр) маълумотли ва ўрта-махсус маълумотли номзодларга нисбатан устуворлик берилади.

Мутахассислик:

Қуйидаги йўналишларида олий маълумотга эга бўлиши керак: а) таълим (110 000) барча бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари, бундан жисмоний маданият (60112200, 70112201), технологик таълим (60112300, 70112301), чақириққача ҳарбий таълим (60112000, 70112001) мустасно. б) гуманитар фанлар (тиллардан ташқари) (220 000) барча бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари; д) ижтимоий ва хулқ атворга мансуб фанлар (310 000) барча бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари; э) журналистика ва ахборот (320 000) барча бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари; ф) бизнес ва бошқарув (410 000) барча бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари; г) ҳуқуқ (420 000) барча бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари; ҳ) соғлиқни сақлаш (910 000) барча бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари; и) ижтимоий таъминот

(920 000) барча бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари; ж) гигиена ва ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазаси (1020 000) йўналишининг ҳаёт фаолияти хавфсизлиги (61020100) кодидаги мутахассислар; к) хавфсизлик хизмати (1030 000) йўналишининг хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш (психолог) (61030200, 71030201) кодидаги мутахассислар. Бунда, билим ва таълим соҳалари, таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг номи ўзгармаган ҳолда кодлар ўзгаришига йўл қўйилади. Шунингдек, ижтимоий иш ва психология йўналишида касбий қайта тайёрловдан ўтган олий маълумотга эга бўлган шахслар танловда иштирок этиши мумкин.

Билиши лозим:

аҳолига ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш борасида қонунчилик ҳужжатлари, соҳа бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва уни ҳаётга татбиқ этиш усулларини билиши, юклатилган вазифаларга профессионал даражада ёндашиши, доимий равишда малакасини ошириш;

- ижтимоий иш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш назарий ёндашувлари бўйича базавий билимларга эга бўлиш;
- ижтимоий ишнинг профессионал ахлоқий тамойилларини қўллай олиш ко"никмалари, муомала маданияти, ижтимоий хизматлами олувчи шахслар билан амалий ишлаш ва алоқа ўматиш кўникмаларини намойиш этиш;
- шахслараро муносабатлами ташкил этиш кўникмаларига эга боиии (турли ёшдаги ва ҳолатдаги шахслар билан), кучли мулоқот қобилиятлари, эмпатия, асосий психологияни билиш, ташкилотчилик қобилияти, стрессни бошқариш қобилияти;
- жамоада ишлаш қобилияти ва идоралараро ҳамкорлик доирасида фаолият олиб бориши, масъулиятли бўлиш;
- ижтимоий соҳаларда ҳозирги давр талаблари асосида янгича ишлаш услубларидан хабардор, талабчан ва ташаббускор боиии;

-вазиятни бошқариш кўникмалари (баҳолаш, ижтимоий хизматлар тақдим этиш режалаштириш, хизматлами мувофиқлаштириш, ижтимоий иш юритилиши ҳолатини кузатиш ва қайта-кўриб чиқиш).

Компьютер саводхонлиги:

Мисрософт Оффисе дастури (Ворд, Эхсел, Повер Поинт ва ҳ.к.), замонавий ахборот технологияларида ва интернет тармоғида мустақил фойдаланувчи сифатида турли иш дастурлари билан ишлаш бўйича етарли кўникмага эга бўлиши.

Хорижий тилни билиш даражаси:

Рус, инглиз ва бошқа хорижий тиллами билиш, миллий ва халқаро сертификатларга эга шахсларга мос равишда устуворлик берилади.

Солиқ инспектори

2024 йил 22 май, 153-сон қўмита буйруғи.

Буйруқнинг 9-қисм, "в" банди.

Давлат солиқ бош инспектори, Давлат солиқ катта инспектори, Давлат солиқ инспектори лавозимлари учун малакавий талаблар:

рўйхатда келтирилган олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича олий маълумот (буйруқнинг 1-иловасида келтирилган);

Иш стажига талаб қўйилмайди.

Профилактика инспектори

2017 йил 18 апрель, ПҚ-2896-сон қарор

Профилактика инспекторлари лавозимларига олий маълумотга эга, касбий, ахлоқий-руҳий ва жисмоний жиҳатдан тайёргарлик кўрган, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси шакллари ва усулларини амалда қўллаш кўникмаларига эга бўлган шахслар тайинланадилар.

Профилактика катта инспекторлари лавозимларига ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларида камида беш йиллик иш стажига эга бўлган шахслар тайинланадилар.

Профилактика инспекторини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан амалга оширилади.

Хулоса. Маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ўрни йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шу боис маҳалла мутаассаддиларига қўйиладиган малакавий талаблар ҳам замон талабларига мос равишда такомиллашиб бориши зарур. Тадқиқот жараёнида аниқланишича, самарали фаолият юритувчи маҳалла етакчиси нафақат ташкилий ва бошқарув кўникмаларига, балки юксак маънавият, ҳуқуқий саводхонлик ҳамда коммуникатив маданиятга эга бўлиши лозим.

Маҳалла мутаассаддилари учун малакалик талаблари фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси, ёшлар ва аёллар билан ишлаш, профилактика тадбирларини ташкил этиш ҳамда давлат сиёсатини жойларда самарали амалга ошириш жараёнида муҳим ўрин тутади. Шу боис ушбу талабларга қатъий риоя этиш, мунтазам малака ошириш тизимини йўлга қўйиш ва кадрларни танлашда адолат тамойилларига амал қилиш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. “Маҳалла тўғрисида”ги Қонун. – Тошкент: Адолат, 2020.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маҳалла институтини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони. – Тошкент, 2021.
4. Р. Жўраев, Д. Каримова. *Маҳалла бошқаруви ва фуқаролик жамияти асослари.* – Тошкент: Фан ва технология, 2022.
5. А. Ҳасанов. *Маҳалла тизимида инсон омили ва бошқарув самарадорлиги.* – Тошкент: Маънавият, 2020.